Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг

ҚАРОРИ

# Автомобиллар тўхташ жойлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг автотранспорт қисқа муддат сақланадиган мавжуд автомобиллар тўхташ жойларини хусусийлаштириш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда 2000 йил 1 январгача автотранспорт қисқа муддат сақланадиган барча мавжуд автомобиллар тўхташ жойлари тендер асосида хусусийлаштирилишини ва тушган маблағлар белгиланган тартибда тақсимланишини таъминласин.

2. Белгилансинки:

автомобиллар тўхташ жойидаги мол-мулк хусусийлаштириш объекти ҳисобланади, ер участкалари эса капитал қурилиш қилмасдан фойдаланиш муддатларини узайтириш ҳуқуқи билан 5 йилгача муддатга фойдаланишга берилади;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс шаклида ташкил этилади ва ўз фаолиятини шаҳарлар ва туманлар ҳокимликларининг автомобиллар тўхташ жойларига автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш /тўхташ жойи/ ҳуқуқини бериш тўғрисидаги тақдимномасига кўра Қорақалпоғистон Репубиликаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг қарорлари асосида амалга оширади. Кўрсатиб ўтилган қарорлар расмийлаштирилганлиги учун энг кам ойлик иш ҳақининг 20 баравари миқдоригача бир марталик йиғим ундирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолияти тўғрисидаги Низом тасдиқлансин.

4. Белгилансинки, 1999 йил 1 октябрдан бошлаб автотранспорт қисқа муддат сақланадиган хусусийлаштирилган автомобиллар тўхташ жойлари асосий фаолияти бўйича маҳаллий бюджетга амалдаги солиқлар ва йиғимлар ўрнига Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан белгиланадиган ставка бўйича қатъий белгиланган солиқ тўлайдилар.

Автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқ ставкаларининг чекланган миқдорлари тасдиқлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси автомобиллар тўхташ жойларида автотранспортни вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқи учун қатъий белгиланган солиқ ва бир марталик йиғим ундириш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсинлар ва белгиланган тартибда тасдиқласинлар.

6. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бир ой муддатда:

автомобиллар тўхташ жойлари эгаллаб турган майдондан ва улар жойлашган жойдан келиб чиққан ҳолда автомобиллар тўхташ жойлари учун қатъий белгиланган солиқнинг аниқ ставкаларини белгиласинлар;

автотранспортни автомобиллар тўхташ жойларида вақтинча сақлаш хизматлари кўрсатиш (тўхташ жойи) ҳуқуқи учун бир марталик йиғим миқдорини тасдиқласинлар;

автотранспорт қисқа муддат сақланадиган автомобиллар тўхташ жойлари юридик шахс сифатида белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказилишини таъминласинлар.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Ҳамидов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И.КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
1999 йил 12 август

## БОҒЛАР БАРАКАСИ ОРТАДИ

Одатда шаҳарларга яқин жойлашган хўжаликларда ишчи кучи масаласида бирмунча қийинчиликлар юзага келади. Чунки шу хўжаликларда яшовчи, жисмоний меҳнат билан шуғулланадиган кишиларнинг каттагина қисми шаҳардаги корхона ва ташкилотларга ишга жойлашиб олишади. Хўжаликларга нисбатан корхона ва бошқа идораларда даромад бирмунча юқори бўлганлиги сабабли шундай ҳолат одат тусига кириб қолган. Шаҳри азим — Тошкентнинг шундай биқинида жойлашган Зангиота туманидаги «Зангиота» жамоа хўжалигида ҳам 7-8 йил илгари худди шундай эди. Ҳозирги пайт-

**Анжуман**

да эса вазият тамомила ўзгарган. Хўжаликда иқтисодий ислоҳот босқичма-босқич изчил амалга ошириб келинаётганлиги, боғбон ва соҳибкорларда ерга, мулкка соҳиблик ҳисси тобора ошиб бораётганлиги туфайли миришкорларнинг даромадлари йилдан-йилга ортиб, уларнинг хўжаликда ишлашга бўлган қизиқишлари кучаймоқда. Мавжуд токзорлар, боғлар ва сабзавот пайкалларининг барчаси ўз ишининг ҳақиқий соҳибларига узоқ муддатга ижарага бўлиб берилган. Моддий манфаатдорлик яққол намоён бўлиши учун хўжалик ҳисоблаш марказида барча даромад ва харажатлар ўз вақтида аниқлаб борилади.

Ана шу хўжаликдаги илғор тажрибани бутун тармоққа кенг ёйиш ва иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш мақсадида яқинда «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» компанияси тизими бўйича кўргазмали семинар-кенгаш ўтказилганлиги айни муддао бўлди. Ушбу йиғинда компания раиси Баҳром Носиров, интенсив технологияларни жорий этиш бошқармаси бошлиғи Адиба Аҳмаджонова ва бошқа мутахассислар мева-сабзавотчилик, узумчилик соҳаларида мулкчилик муносабатларини такомиллаштириш, оила пудрати, ижара усулини тобора кенгроқ, тадбиқ этиш, тузиладиган шартномаларнинг тўла-тўкис адо этилиши учун хўжалик раҳбарларининг масъулиятини кучайтириш юзасидан қимматли фикр-мулоҳазалар, таклифлар билдиришди. Анжуман иштирокчилари ана шундай тажриба алмашувларни вақти-вақти билан бошқа минтақаларда ҳам ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ деган якдил фикрга келдилар.

**С.ХЎЖАЕВ.**

ЯХШИ ХАБАРЛАР

## ЗАМИН САХОВАТИ

Навоий вилояти деҳқонлари ўзлари етиштирган ноз-неъматларни шаҳар аҳолиси дастурхонига тортиқ этмоқдалар. Шу мақсадда «Замин саховати» ярмаркалари ташкил этилмоқда. Навбаҳор, Қизилтепа, Навоий, Хатирчи туманларидан келтирилган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари навоийликларга ғоят манзур бўлди. Ўртачўл массивидаги 22 та фермер хўжалигида етиштирилган полиз, сабзавот ва мева маҳсулотлари нисбатан арзон нархда сотилди.

Зарафшон ва Учқудуқ шаҳарлари ҳамда Томди, Нурота ва Конимех туманларида ҳам шанба ва якшанба кунлари ана шундай ярмаркалар ташкил этилмоқда.

## ПАРВАРИШ АВЖИДА

18 минг гектар майдонда пахта етиштираётган Тошкент вилояти далаларида ғўза баравж ривожланмоқда. Ғўза бу йил анча эрта гуллади. Агар ўтган йилнинг шу даврида мавжуд майдонларда атиги 55-60 фоиз ғўза ёппасига шоналаган бўлса, ҳозир бу рақам 65-70 фоизни ташкил этмоқда. Вилоят хирмонига салмоқли ҳисса қўшадиган Бекобод, Янгийўл, Қуйичирчиқ, Ўртачирчиқ туманларида экин ривожи, айниқса яхши.

Вилоят деҳқонлари бу йил асосан тўртта — «С-6524», «Фарғона-3», «Наманган-77» ҳамда «Тошкент-6» пахта навини парваришлаётир. Ҳозиргача ғўза қатор оралари беш марта юмшатилиб, экин икки марта озиқлантирилди. Айни вақтда об-ҳавонинг серёғин келиши сабабли шира ва бошқа турли заракунандалар ҳуружига қарши тадбирлар ҳам изчил олиб бориляпти.

**(ЎзА).**

# ЗОҲИДОНЛИКЛАР

**(Боши 1-бетда)**

«бодиринг сайли»га айтиб ҳаммани доғда қолдиряпти. Ўзи олий маълумотли инженер-гидротехник. Туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармасида «ёғликкина» вазифада. Аммо мана ўттиз йилдан бери қуёшни уйғотади. Етти-саккиз сотихли ҳовлисига кирсангиз, муъжазгина жаннатга тушиб қолдимми, дейсиз. Чорбоғи четларига айлантириб мевали дарахтлар эккан. Ости, укроп, кашнич,селдира. Мевазор ичида ҳар бири ғайнолидек ғайнолидек келадиган беш-ўн туп гилос ҳам бор. Ана шунинг ўзидан Мухторжон баҳорда нақд юз минг сўмлик сотади. Йўқ, бозор қатнамайди. Эшигининг тагига келиб, салом бериб «акам бўласиз» деб олиб кетишади.

Энди чорбоғига қаранг. Ҳали бошқаларнинг бодиринги найчалаётганда Мухторжони тушкур ҳосилни узаётган бўлади. Бу пайтда бодирингнинг баҳоси бозорда тўрт юз-беш юзнинг нари-берисида бўлади. Бозор арзонлаган сари ҳосил ҳам кўпайиб боради. Буни ҳам улгуржисига теккизмай олиб кетадиган ўз харидорлари бор. Кейин помидор, булғор қалампири... Саримсоқпиёз... Ўтган йили ана шу Мухторжон уёқ-буёқ бўлиб, ўғит, доривор дегандек харажатларидан ташқари дўппидек жойдан 500 минг сўм даромад олди.

Ўктамжон Воҳидов. Зўр муаллим. Буёғини сўрасангиз Мухторжоннинг синфдоши, қудаси. Энди гап келганда буёғиниям айтайлик-да. Беш-олти йилдирки, домла Мухторжонни бодиринг сайлига айтиш пайида. Аммо айтолмайди-да! Бу йил ҳам шундоқ бўлди. Атайин беш-олти туп бодирингни алоҳида парваришлаб, кун-тун парвона бўлиб, бир кун қудасини бодиринг сайлига айтиб келай, деб остона ҳатласа кўча бошида неварасига дуч келди.

— Ҳа, болам?

— Опоқи, сизни опоқим бодиринг сайлига айтвордилар, - дейди-да!

Воҳидов «э, воҳ!» деди. «Қойил!» деди. Ўзи алоҳида парваришлаган ўша беш -олти туп бодирингни энг яхшиларини узиб қудасига бериб юборди.

— Опоқинг, бизнинг ҳосилдан ҳам татиб кўрсинлар, - деди.

Ўктамжон кўпроқ кўкатга миришкор. У етиштирган пиёз, укроп, кашнич, отқулоқ, селдри шунчалик барра бўладики... Овқатга қўшиб эмас, ўзини егингиз келади. Кейин ана шу кўкатларнинг уруғини олади. Бунинг ҳам ўз харидорлари бор. Гарчи, эртаги бодиринг чиқаришда қудасидан бир кун, ярим ортда қолса ҳам даромади уникидан кам эмас.

Аммо бу йил кўп даромад олишда капалик Йўлдош ака Жўраевга ҳеч ким етолмадиёв? Венгер гилос деган бир гилос бўларкан. Йўлдош ака шу гилосдан топиб, боғига олтмиш тупини жойлади. Гилос жониворбу мавсум шиғил ҳосилга кирди. Остига экилган кўкат, саримсоқни ҳисобга олмаганда нақд 600 минг сўм сармоя ташлаб кетди Йўлдош ака хонадонига шу гилослар. Йўлдош ака ўтган йили бошлаган уйини оппа-осон битказиб олди. Келин тушурди... Куздаги ҳосили билан машинасини «Нексия»га алмаштириб олсамми деб юрибди...

— Зоҳидонликлар тажрибасини туманимиз миқёсида оммалаштираяпмиз, — дейди Риштон туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Ёқубжон Шокиров, - бугунда туманимиз қишлоқларида 1160 та деҳқон хўжаликлари фаолият кўрсатяпти.

Аммо ҳали ҳеч қайси қишлоқ деҳқонлари зоҳидонликларга ета олгани йўқ. Етолмасалар ҳам керак. Ёки йўқми?

**Ортиқали НОМОЗОВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**



**СУРАТДА: «Пахтабанк» Оққўрғон тумани бўлими бошқарувчиси (чапдан) Қодирқул Аҳмаджонов, етакчи мутахассис Мукаррам Аъзамхўжаева ҳамда Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бош ҳисобчиси Учқун Нишоновлар.**

**Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.**

# СУДХЎР ЭМАС, МАДАДКОР, ШЕРИК ЭМАС, ҲАМКОР

**(Боши 1-бетда)**

ҳолда иш юритмоқда. Унинг мижозлари 120 дан ортади.

Агар Оққўрғон қишлоқ тумани ҳисобланишини, бу ерда аграр масалалар билан шуғулланаётган жамоа, корхона ва ташкилотлар кўплигини назарда тутадиган бўлсак, улар фаолиятида мазкур «Пахтабанк» нечоғли муҳим аҳамият касб этаётганлиги маълум бўлади. Боиси унинг кундалик юмуши аввало мана шундай корхоналар иқтисодий фаолиятини яхшилашга кўмаклашиш ва уларга сифатли хизмат кўрсатишга қаратилгандир. Бу масъулиятли вазифа бугун намунали адо этилмоқда. Бундай дейишга қандай асослар бор?

Гап шундаки, ҳозирги шароитда банк танлаш мижозлар ихтиёридаги иш. Шундай экан, ҳар қандай жамоа биринчи навбатда ўзининг молиявий масалаларида фаол иштирок этадиган, амалга оширадиган иқтисодий тадбирларини тез ва соз уддалаб берадиган банкка аъзо бўлади. Бу борада ҳамма нарса ҳисобга олинади. Ишонч, муомала хатолар учраганда тўғрилашга кўмаклашиш, маблағ лозим бўлганда топиб бериш. Оққўрғон «Пахтабанк»ида мижозлар сонининг ойма-ой ортиб боришининг асосий омили — бу ерда юқоридаги қулайликлар тўлалигича мавжуд. Жамоа ходимлари мижозларга бириктиб қўйилган. Улар фақат банкда ўтириш билан кифояланиб қолишмайди. Жадвал асосида жойларга чиқиб, ўзларига аъзо бўлган мижозлар билан тез-тез учрашиб турадилар. Уларга банк тизимидаги амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар моҳияти, юз бераётган ўзгариш ва янгиликлар етказиб борилади. Ҳужжатлар ҳамкорликда доимий равишда кўздан кечирилиб турилади. Муҳими банкда қулай ва замонавий иш тизими жорий қилинган. Тўла компьютерлашган жараён мижозлар хизматида. Улардаги сифат кафолатланган. Шу боис банкдаги барча иқтисодий тадбирлар тезкор. Масалан, бирор хўжалик ёки ташкилот Тошкентдан ёки бошқа вилоятдан маҳсулот олмоқчи бўлса ҳеч иккиланмасдан комил ишонч билан аввал манзилга машина жўнатаверади. Ҳали транспорт йўлда экан, у етиб бормасидан туриб бу томондан маҳсулот учун ўтказилган маблағ қисқа дақиқалар ичида иккинчи томоннинг ҳисоб рақамига бориб тушади. Бу эса банк обрўйини оширмоқда.

Ўтган ярим йилдаги фаолиятни сарҳисоб этадиган бўлсак яна кўплаб ибратли мисолларга дуч келамиз. Хусусан, олти ойлик касса режаси 130,5 фоизга уддаланди. Ҳукуматимиз томонидан ажратилаётган кредитлардан самарали фойдаланиш борасида ҳам намунали ишлар қилинмоқда. Ўтган қисқа даврда мижозларга тақдим этилган бизнес режалари асосида 39 миллион 300 минг сўмли қисқа ва узоқ муддатли кредитлар йўналтириб берилди.

Улар орасида туман аҳолисига озиқ-овқат маҳсулотлари, қишлоқ хўжалигига техника ва эҳтиёт қисмлар келтириш ва муддати ўтган иш ҳақларини тўлаш учун ажратилган кредит турлари бор. Бу борада ҳужжатлар портфели самарали ишлатилаётганлиги боис, берилаётган кредитлар ва уларнинг фоизларини банкка қайтишида узилиш ёки кечикишлар мутлақо учрамаяпти.

Банк устав фондини доимий кўпайтириб бориш чоралари кўрилмоқда. Акцияларни сотиш йил бошида 10873 минг сўмни ташкил этган бўлса, бу кўрсаткич айни вақтда 20146 минг сўмга етди. Бу ўтган даврда мижозларга 9273 минг сўмлик акциялар сотилди, дегани. Бугунги мижозлар эса анойи эмас. Улар фойда келтирмайдиган ҳеч нарсага бекорга пул куйдиришмайди. Бу ерда харид қилинган акциялар эса ўз эгаларига мўмай даромад келтирмоқда.

Банкда бугунги кунда 26 нафар ходимлар мижозларга беминнат хизмат кўрсатишяпти. Уларнинг 18 нафарини аёллар ташкил этади. Аксарият ходимлар билимдон, тажрибали. Эркин Ўролов, Мукаррам Аъзамхўжаева ҳамда Рисолат Юсупова сингари ходимлар фаолияти намуналиги билан ажралиб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугун Оққўрғонда иқтисодий ислоҳотлар жадал бормоқда. Саноатни қишлоққа олиб кириш, янги иш ўринларини яратиш, қўшма корхоналар очиш, қишлоқ хўжалигига замонавий техникалар олиб келиш, қурилиш ва ободончилик ишлари кўлами тобора кенгаймоқда. Бу хайрли тадбирларнинг барчасида мазкур банкнинг муҳим ва алоҳида ҳиссаси бор.

— Яқинда республика Вазирлар Маҳкамасида 1999 йил биринчи ярмидаги иқтисодий ислоҳотларнинг якунига бағишланган йиғилишда Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимизда банк тизми соҳасида бугунги кунда учраётган айрим камчиликлар хусусида яна бир бор тўхталиб ўтдилар, — дейди «Пахтабанк» бошқарувчиси Қодирқул Аҳмаджонов. — Ҳақиқатдан ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида банклар зиммасида масъулият жуда катта. Биз фаолиятимизни тезроқ жаҳон талаблари даражасига олиб чиқишимиз керак. Мижоз манфаатлари ҳамиша устивор бўлиши лозим. Ана шунда олдимизга қўйилган барча мақсадларга эришган бўламиз.

**Иброҳим ТОШЕВ,**
**«Қишлоқ ҳаёти»нинг махсус мухбири.**

## ҚОВУН САЙЛИ

Бухоро шаҳрида анъанавий «Қовун сайли» ўтказилди. Унда вилоятнинг барча жамоа, ширкат, деҳқон ва фермер хўжаликларида етиштирилган, тилими тилни ёрадиган 60 дан кўпроқ навдаги қовунлар намойиш этилди.

Ҳақиқий байрам тусини олган расталарда савдо-сотиқ уч кун давом этди. «Амири», «Гулоби», «Шерози», «Босиболди» каби ўнлаб сифатли навлар кейинги йилларда деярли унитилаёзганди. Сайлда уларнинг мўл-кўллиги, бозордагидан анча арзонлиги шаҳарликларни мамнун этди.

«Сахий замин саховати» шиори остида ўтган «Қовун сайли» ғолиблари аниқланди. Туманлар ўртасида биринчи ўрин Пешку туманига, хўжаликлар ўртасида эса Бухоро туманидаги «Чорбакр» хўжалигига насиб этди.

# СОЯНИНГ ХОСИЯТИНИ БИЛАСИЗМИ?

**(Боши 1-бетда)**

ноннинг тўйимлиги ортади. Тоза буғдой унидан тайёрланган нонларда оқсил миқдори 13-14 фоиз бўлса соя уни қўшилганда 40-42 фоизга кўпаяди. Демак ноннинг тўйимлиги 3 бараварга ошади.

АҚШ, Япония, Хитой ва бошқа мамлакатларда соядан олинган маҳсулотлар биринчи ўринда (истеъмол жиҳатидан) туради. Соя дони инсон организми учун зарур бўлган минерал моддалар калий, натрий, кальций, мис, темир, фосфор, дармондорилардан В,Д.Елар (организмни яшартирадиган ва узоқ умр бахш этадиган) мавжуд. Соя таркибидаги фитохимик моддалар склероз ва турли хил шишларнинг олдини олади. Озиқ-овқат маҳсулотларида учрайдиган ҳужайралар инсон организмини заҳарли моддалар, оғир минералларнинг тузларидан тозалайди. Сояли маҳсулотлар ракка қарши ишлаб чиқилаётган дастурда алоҳида аҳамиятга эга. Сояли маҳсулотлар қандли диабет касали билан оғриганлар учун энг яхши парҳез таомдир. Чунки соя таркибида углевод жуда кам, турли хил аллергия билан оғриганлар учун ҳам жуда фойдали. Жигар, буйрак, ичак, ошқозон касалликларида ҳам соя дони ва овқатларни истеъмол қилиш касалликнинг тузалиб кетишига ёрдам беради.

Чорва моллари учун соя дони энг тўйимли озуқа ҳисобланади. 100 кг соя донида энг юқори — 140 озуқа бирлиги бор. Поясини қуруқ ва хўл ҳолида ҳамма жониворлар хуш кўриб истеъмол қилади. 1 кг соя донидан бузоқлар учун 8-10 кг, одамлар учун 4-5 кг, тўйимлилиги сигир сутига тенг бўлган сут олинади.

Республикамизда соя ўсимлигини етиштириш учун алоҳида ер майдони керак эмас. Уни такрорий экин сифатида ўстириш мумкин.

Соя дуккакликлар оиласига мансуб бўлиб баҳорда экилганда ҳосилдорлиги 30-35 центнер, такрорий экилганда 15-18 центнер ҳосил беради. Соя ўсимлиги қатор оралари 60 ёки 70 см кенгликда бўлиб бир гектарда ўртача 400-420 минг туп ўсимлик бўлиши лозим. Экиш меъёри гектарига 70-75 кг.

Ҳосили дон комбайнлари ёрдамида йиғиштириб олинади. Уруғ яхши тупроққа экилиб барча агротехник тадбирлар ўз вақтида ўтказилса, 15-18 центнер дон, 35-40 центнер қуруқ поя олинади. Демак, шу майдондан олинган соя дони таркибидаги оқсил миқдорини ҳисобласак 40-45 центнер буғдой донига тенг. Соя ўсимлиги ўзидан кейин бир гектарда 45-50 кило соф азот қолдиради.

**Дилором ЁРМАТОВА,**
**қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор.**

# ДЎСТЛИКДАН ЧИҚҚАН «ХЛЕСТАКОВ»

**(Боши 1-бетда)**

ишонч қоғози ва паспортингизни олиб борар эканман», — дейди.

Саимназаровнинг найрангига лаққа тушган Ваҳобов ўзи номидан ишонч қоғозини 20 тонна омихта ем олиш учун тўлиқ расмийлаштиради, ва паспортини беради.

Саимназаров фермер хўжалигининг Ваҳобов номига тўлдирилган сохта ишонч қоғози ва паспорт билан «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти раисининг ҳузурида пайдо бўлади. Хуллас, фирибгарлик ва ишончни суиистеъмол қилиб, фермер хўжалиги ҳисобига омихта ем олишга буйруқ ёздириб олади.

У ишонч қоғози, Ваҳобовнинг паспорти ва ҳиссадорлик жамияти раҳбариятининг буйруғини омихта ем бўйича комплекс бўлими тарозибони ёрдамчиси Мамаражаб Байзоқовга тақдим қилади. Байзоқов Саимназаровга «омихта емни Ваҳобовнинг ўзи келиб олсин» деб айтганда «Мени танимайсанми, молия бўлимининг тафтишчисиман, фаолиятингни текшириб, терговга бераман» деб қўрқитиб, товламачилик қилади.

Хуллас, у қинғир йўллар билан 224 минг 526 сўмлик омихта емни қабул қилдим, деб юк хатига Ваҳобов номидан сохта имзо чекади. Ови бароридан келган олғир емни бир тоннасини ўз уйига тушириб қолган қисмини сотиб, пулларини ўзлаштириб талон-торож қилиб юборади.

Н. Саимназаров жиноий ҳаракатларини давом эттириб, «Дўстликдон» ҳиссадорлик жамияти олдида «Эшқўзи ота» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Исмадиёр Абдуллаев ва «Шодиёрбек» деҳқон-фермер хўжалиги раиси Мирзо Худоёровларни учратади. Уларга ўзини туман молия бўлимида, тафтишчи бўлиб ишлайман, деб таништириб, омухта ем олиб беришини ваъда қилади.

И. Абдуллаев ҳам собиқ тафтишчининг алдовларига ишониб, «Эшқўзи ота» деҳқон-фермер хўжалиги муҳри ва штампи босилган, тўлдирилмаган ишонч қоғозини унга беради. Саимназаров навбатдаги «операция»га киришади.

Ҳиссадорлик жамияти раиси ва омихта ем комплекси тарозибонларини турли алдов ва дағдағалар билан чув туширган текинхўр бу гал 30,4 тонна умумий қиймати 410,4 минг сўмлик емни олишга муяссар бўлади. Пулларни ўз эҳтиёжига ўзлаштириб, талон-тарож қилиб юборади. Қинғир ишнинг қийиғи чиқди. Мўмай даромад топишнинг антиқа йўлини танлаган Н. Саимназаров тумшуғидан илинди. Унинг ҳақиқий башараси ошкор бўлиб қолди. У фирибгарлик, товламачилик қилиб, мансабидан ғаразли мақсадларда фойдаланиб жами 46,8 тонна 643 минг 926 сўмлик омухта емни олиб чиқиб ҳиссадорлик жамиятига жуда кўп миқдорда моддий зарар етказганлиги учун жавобгарликка тортилди.

**Бешим НАВРЎЗОВ,**
**Дўстлик тумани прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

